

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ № 156 (9.959) 2003 ЙИЛ 11 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАРДА

□ **БУГУН** Чилонзор туманидаги «17-мавзе», «Нўғойқўрғон», «Меҳржон», «Хирмонтепа» маҳаллалари ҳамкорлигида Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган тадбир туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жағмармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида бўлиб ўтди.

□ **БУГУН** «Автоустоз» масъулияти чекланган жамиятида «Мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

□ **ЎТГАН КУНИ** Миллий матбуот марказида Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Мустақиллик ва дунёвий жамият қуришда аёлларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

□ **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Сархумдон» маҳалласида миллий урф-одатлар, тўй ҳамда бошқа маросимларни дабдабасиз ўтказиш бўйича маҳалла фаоллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

□ **ФАФУР** Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ўзтелерадиокомпания» ҳамкорлигида Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб «Халқнинг фикри» деб номланган адабий-музикавий мулоқот гурунги ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Қурувчилик — шарафли касб. Ана шундай касбни эъозлаб, осмонўпар бинолар, равон йўللар, мустаҳкам кўприклар, турар жойлар, мактаб, лицей, коллежлар бунёд этаётган қурувчиларнинг меҳнати юрти-мизда кадр топмоқда. Тез ва соз, шу билан бирга сифатли, кўркам қурилаётган иншоотларни кўриб нафақат кўзингиз қувнайдми, балки бунёдкорлар меҳнатига тасаннолар айтасиз.

Кеча касб байрамларини ёруғ юз билан нишонлаган пойтахтимизнинг азамат бунёдкорлари яхши кайфият билан қурилиш майдонларида ўз вазифаларини бажаришмоқда. Уларнинг эзгу ниятлари қуриш, яратиш, шахримизни яшнаттириш, энг азиз, энг улуг тантананага муносиб тўх-фалар ҳозирлашдир.

СУРАТДА: илгор қурувчи Бўстон Раҳмонов.



ҚУРУВЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида қурувчиларнинг аънанавий касб байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Бу ерга қурувчилар, муҳандислар, соҳа фахрийлари таширф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов йилгиланларни касб байрами билан табриклар экан, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидлади.

Жумладан, айни кунларда Фарғонада улкан азот корхонаси, Амударё устидан автомобиль ва темир йўл кўприги қуриломоқда. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли йўналиши бунёд этилаётди.

Ватанимизнинг пойтахти Тошкент шаҳрида эса миллий ва замонавий мезморлик аънаналари уйғунлаштирилган ҳолда бир-биридан мухташам ва гўзал бино ҳамда иншоотлар қад ростламоқда.

Қурувчиларимиз Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрамига мамлакатимиз кўрмига кўрк, шу-

қуҳига шуқуқ қўшадиган янгидан-янги иншоотлар, турар жой бинолари, равон йўл ва кўприклар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, тиббиёт муассасалари, боғ ва хиёбонларни тўхфа этмоқда. Пойтахтимизда қурилиши якунланиш арафасида бўлган кичик Халқа йўлининг учинчи навбати транспорт қатновини тез, қулай ва бехатарлигини таъминлаши билан бирга йўловчиларнинг вақтини тежашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ қурувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти кечага алоҳида файз бахш этди.

Йилгилида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

АЁЛ ВА БИЗНЕС

Пойтахтимизда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасининг «Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш» қўшма лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, тадбиркор аёллар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Меъёрларини чуқур ўрганиш улар фаолиятининг муваффақиятига гарови бўлиб хизмат қилиши кўрсатиб ўтилди. Демак, биринчи навбатда, тадбиркор-аёлларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш зарур.

Мазкур лойиҳа эса мана шу масалаларни ҳал қилишга хизмат қилади.

Авваламбор лойиҳа ишбилармон аёлларнинг ҳуқуқшунослик ва тадбиркорлик асослари бўйича

билим ва қўнимларини ошириш, тадбиркор аёлларни керакли ахборот билан таъминлаш, шунингдек уларга кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалалари борасида бепул маслаҳат беришга йўналтирилган. Лойиҳа икки қисмдан иборат: биринчиси - «Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш» мавзусида икки кунлик семинарлар ўтказиш бўлиб, улар ЕХТнинг ма-лакали мутахассислари томони-

дан Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент, Қоразм, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида ташкил этилади.

Лойиҳанинг иккинчи қисми — Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасида тадбиркор аёллар учун Ахборот марказини очишдир. Унда аёлларнинг тадбиркорлик ва ҳуқуқшунослик бўйича керакли маълумотлар ҳамда бизнесга алоқадор бўлган барча масалалар бўйича бепул маслаҳат олиши учун тегишли шароитлар яратилади.

Лойиҳа доирасида шунингдек, республика қонунчилигидаги ўзгаришларга ҳамда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга боғлиқ бўлган мавзуларга бағишланган буклет ва ахборот бюллетенлари чоп этилади. (ЎЗА).

XVI сарғиси


Барча мамбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Давлат ва жамият қурилиши академиясида Конрад Аденауэр фонди ташаббуси билан «Сиёсий таълим тизимида Интернет тармоғидан фойдаланиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- Жиззах вилояти ҳокимлигида ўтказилган мажлис қишлоқда ислохотларни чуқурлаштириш, фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга бағишланди.
- Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Йилнинг энг яхши китобхон оиласи» республика кўрик танловининг якуний босқичи ўтказилди.
- «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси локомотивлардан фойдаланиш бошқармасининг етакчи корхонаси бўлган «Ўзбекистон» локомотив депосида янги маъмурий-маиший бинолар мажмуаси фойдаланишга топширилди.
- Шахрисабз шаҳридаги «Пиллақашлик» маҳалласида ҳомий ташкилотлар ёрдамида артезиан кудуги ишлатиб берилди, маҳалла спорт майдончаси таъмирланди, маҳалла кўчалари асфальтланди. Ёпиқ сув ҳавзаси ишга туширилди. Ҳозирда янги чойхона, новвойхона, гўшт дўкони, спорт майдончаларини барпо этиш ишлари бошланди.

Жаҳонда

- Қурувчилар байрами муносабати билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин мамлакат бунёдкорларига табрик йўллади.
- Кеча Москвада ҳаракатланаётган трамвайда йўловчи томонидан олиб кетилаётган кимёвий модданинг портлаш натижасида 8 нафар йўловчи кимёвий заҳарланди.
- Минглаб либерияликлар Монровия кўчаларида патруль хизматини ўтаси учун келган Нигерия давлатининг тинчликпарвар қучларини очиқ қў билан кутиб олдилар.
- Чеченистоннинг жануби-шарқида жойлашган Дишне-Ведено аҳоли пунктида Россия федерал қучларига қарашли «Ми-8» вертолётни жангарилар томонидан зенит ракетаи ёрдамида уриб туширилди.
- 14 йиллик танаффусдан сўнг Исландия ўтган асрда жуда қаммайиб кетган китларни овлашни бошлаши тўғрисида эълон қилди. Мамлакат экологлари ва уларга қўшилган қўшни давлатлардаги табиатсеварлар Рейкьявкнинг бундай қарорига қарши норозилик билдирмоқдалар.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

◆ Америка аскарларининг Тикрит шаҳрида ўтказган операциялари чоғида айни пайтда иттифоқчиларга қарши партизанлик ҳаракатларини олиб бораётган курашчи гуруҳларнинг уч нафар раҳбарлари ҳибсга олинган. Уларнинг бири «Саддам федаинлари» ҳаракатига бошчилик қилганлиги тахмин этилаётган бўлса, қолган икки нафари Саддам Хусейн даврида армия генераллари бўлганлар.

◆ Индонезия полицияси 5 август кuni «Mangot» меҳмонхонасида террор актини амалга оширган жиноятчининг фотороботини яратган. Мамлакат газеталарида чоп этилган фотороботдан гумондор 30 ёшлар атрофидаги киши эканлиги маълум бўлди. Полиция вакилининг айтишича, меҳмонхона олдида портлаган автомобиль қолдиқлари бўйича ўтказилган текширувлар чоғида унинг собиқ эгаси Шарқий Яваннинг Чибубур шаҳрида яшовчи Сонни исмли киши бўлганлиги аниқланган. Лекин у икки ҳафта аввал машинасини номаълум одамга сотиб юборган экан.

◆ Испанияда беш кундан бери куёш кизигандан кизимокда. Айниқса ўтган ҳафта бошида ҳарорат Испания тарихида биринчи марта 57 даражагача кўтарилди. Испания миллий радиосининг хабар қилишича, 9 киши иссиқ уришидан вафот этди, 30 киши оғир аҳволда шифохоналарга ётқизилди. Об-ҳавони кузатиш маркази мутахассислари ҳарорат бу ҳафта ҳам тушмаслигини айтишмоқда.

◆ Афғонистон армияси вакиллари ўтган ҳафтада «Толибон» ҳаракатига дахлдорликда гумон қилинаётган 20 нафар кишини ҳибсга олганини маълум қилди. Уларнинг 7 нафари дала кўмондонларидир.

◆ Бразилия момақандироклар содир бўлиши бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бразилия Фазо тадқиқотлари миллий институти мамлакатда ҳар йили 50 миллиондан 70 миллионгача яшинлар қайд этилишини маълум қилди. Ушбу табиий ҳодиса йилига 100 нафардан зиёд кишининг ҳаётига зомин бўлаёттир. Бундан ташқари, улар мамлакат иқтисодиётига ҳар йили 180 миллион доллар миқдоридан зарар келтирмоқда.

Албатта, ана шундай уйларида ҳамшаҳарларимиз барча қулайликлардан фойдаланиб, курувчилар меҳнатидан мамнун бўлиб яшашмоқда. Шаҳримизда ана шундай уйлари қурилиши жадал давом этмоқда. Ҳамза туманидаги Солиқ Азимов кўчасида қад ростлаётган 7 қаватли гиштли бино ҳам ана шулар жумласига кирилади.

Ўзига хос лойиҳа асосида бунёд этилаётган 52 хонадонга мўлжалланган ушбу турар жой биносини Президент Девонига қарашли қурилиш бошқармаси курувчилари тиклашмоқда. Бошқарманинг 100 нафардан зиёд бунёдкорлари қурилишни сифатли амалга ошириб, уйни ўз эгаларига кам-кўстез топшириш учун ғайрат-шижоат билан ишлашмоқда.


Ўзига хос тарзда лойиҳаланган бинонинг кўркамлигини таъминлаш, қулайликларига эътибор қаратиш, қурилиш ашёларини жой-жойида ишлатиб, оқилона фойдаланиш курувчиларнинг маҳоратидан дарак беради. Ушбу қурилишда меҳнат қилаётган бош пудратчи ва уларга кўмак бераётган ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотлари ва фирмаларнинг бунёдкорлари, барча касб соҳиблари ана шунга эътибор қаратишган.

— Бугун қурилаётган уйлариимиз шуниси билан ибратлики, унда яшовчилар учун нафақат ички қулайликлар, балки кундалик юмушлари,

• ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ОИЛАЛАРГА СОВҒА

Бугун пойтахтимизнинг қайси кўчасини айланманг, салобатли, муҳташам иморатлар билан бир қаторда, шаҳримизга чирой, хонадон эгаларига қувонч бағишлаётган кўп қаватли турар жой бинолари, замонавий ва шарқона меъморчилик анъаналари уйғунлашган уйлари кўриб қувониб кетасиз.



Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммолари

Республика Банклар уюшмасининг банклараро молиявий хизматлар марказида «Республикада қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш муаммолари ва бу борада тижорат банкларининг роли» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинарда қимматли қоғозлар бозорининг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари атрофида таҳлил қилинди. Бозор иқтисодиёти шароитида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда эса, тижорат банкларининг ўрни каттадир. Улар қимматли қоғозлар бозорини фаолият кўрсатиш жараёнида акцияларини чиқариб, нафақат ўз молиявий аҳволини, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ривожини ҳам таъминлайди. Семинарда маъмурий мутахассислар билан бир қаторда Инвестиция институтлари миллий уюшмаси томонидан мамлакатимизда тақлиф этилган АҚШнинг Гарвард университетида келган тадқиқотчилар иштирок этди. Улар тўпланганларни қизиқтирган саволларига жавоб бериш билан бир қаторда, ривожланган давлатлардаги қимматли қоғозлар бозорлари мисолида Ўзбекистонда бу йўналишда мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Биз бир ой давомида Ўзбекистондаги қимматли қоғозлар бозорининг аҳволини ўрганишга муваффақ бўлдик, — деди АҚШнинг

Гарвард университети тадқиқотчиси Жон Кеннеди «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бу йўналишда қатор муаммолар мавжуд. Халқро валюта жамғармаси томонидан таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини тижорат банкларининг фаолиятини ошириш, бу борада кўпроқ хорижий сармоядорларни жалб этиш лозим. Бугун юртимизда корпоратив облигациялар бозорини фаол ривожлантириш орқали мавжуд санат корхоналарининг иқтисодий аҳволини яхшилашга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Бугун мамлакатда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Ҳозирги пайтда республикада 4 минг 616 та акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида янгидан ташкил этилган акциядорлик жамиятлар сони 696 тани, хусусийлаштирилган акциядорлик жамиятлари сони 3 минг 403 тани ташкил этмоқда. Ана шу акциядорлик жамиятлари томонидан чиқаририлган акциялар миқдори 4,9 триллион сўмга етди. Бу корхоналар орасида «Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти, «Со-вплатитан» қўшма корхонаси

компаниялари етакчилик қилмоқда. Қимматли қоғозлар бозорини иш юритаётган фирма ва компаниялар фаолиятини эса, республика Давлат мулки қўмитасининг қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази мувофиқлаштирмоқда. Юртимизда қимматли қоғозлар бозори биржа ва биржадан ташқари бозорларга бўлинган бўлиб, унда фаолият кўрсатувчилар Тошкент фонд биржасидан фойдаланишяпти. Афсуски, таҳлиллар бугун Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини тижорат банклари суиштирок этаётганлигини кўрсатмоқда. Агар 1998 йилда банкларнинг қимматли қоғозлар бозоринидаги ҳиссаси 29,8 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич атиги 0,58 фоизга етди. Ваҳоланки, бугун мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида саккизта муҳим қонун қабул қилинган бўлиб, банклар ана шу қонунларга асосланган ҳолда турли йўналиш бўйича фаолият кўрсатиши мумкин.

Семинар якунида 2003-2004 йилларда банк тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичий дастури доирасида мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга йўналтирилган тақлифларни ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

«Туркистон-пресс»

зарурат учун керакли барча шароитлар бўлишига эътибор қаратилмоқда, — дейди ишбоши Урозбой Азизов. — Қурилиш-гиклаш ва пардозлаш юмушлари олиб борилаётган мана шу бинода 52 хонадон аъзолари яшашиди. 3-4 хонали уйлари 4 та йўлакдан қирилади. Меҳмонхона, ётоқхона, ошхона, катта ва кичик, очик ва ёпиқ айвончалар яшовчилар талабига кенглиги, шинамлиги билан тўла жавоб беради. Шунингдек, уйнинг биринчи қаватида жойлашадиган савдо ва маиший хизмат соҳобчалари, бино тагидаги автомобилларни сақлаш жойлари ҳам алоҳида қулайликлар сирасига кирилади. Уларнинг барчасини кўнгилдагидек бунёд этишда курувчиларимизнинг меҳнат тажрибалари қўл келмоқда. Айниқса, шу кунларда касб байрамларини меҳнатда муносиб нишонлашга интилаётган бунёдкорларимиз кундалик вазиқларини сидқидилдан бажаришмоқда.

Чиндан ҳам бино кун сайин қад ростлаб, кўчага фазл бағишламоқда. Йил охиригача уни фойдаланишга тахт қилишга ҳаракат қилаётган курувчилар эса оилаларни хушнуд этиш ниятида вақтдан унумли фойдаланмоқда.

Дилноза ГИЁСОВА СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонида ғайрат кўрсатаётган бунёдкорлар Незмат Юсупов ва Азиз Хусанжоевлар; тикланаётган уйнинг бугунги кўриниши.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

• МЕТРО

Янги батареялар қўл келди

Тошкент метрополитенининг электр таъминоти хизмати фаолияти тобора яхшиланиб бормоқда. Нуричлар тадбиркорлик билан иш юритиб, қатор техник янгилликларни ҳам амалга оширмоқдалар.

Метродаги бирлашган ним электр станциялар қувватининг узиллишига йўл қўймайлик чора-тадбирлари ҳам самарали бўлмоқда. Айниқса, аккумуляторлардан унумли фойдаланиш йўлидаги техник излашлар туфайли қатор янгилликлар юзага келди.

«8-Orzv 800», «10-Orzv 1000» русумли аккумуляторларни ишлаштириш усуллари пухта ўзлаштирилди.

Тошкент метросининг Германиядаги «Зонен-шайн» фирмаси билан ҳамкорлиги туфайли «OPzS» русумли аккумулятор батареялари Тошкентга қўллаб олиб келинди. Улар электр таъминоти хизмати томонидан пухта ўзлаштирилиб, немис фирмаси махсусотлари билан алмаштирилди.

Бу эса аккумуляторларни ишлаштиришда сифат кўрсаткичларини таъминлаш имконини берди.

Аҳмад АББОСОВ

Саъдий

«Умид» Италияда
ижодий сафарда

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика халқ таълими аълочиси Азим Азизов 43 йилдан буён Республикада халқ бадий ҳаваскорлик ижодиёти ва болалар кўшиқ-рақс санъатининг ривожланишига баракали ҳисса қўшиб келаётган устоз санъаткорлардан биридир. Унинг ташаббуси ва бевоисита иштироки билан ўтган йилларда Тошкентда «Баё» халқ студияси, «Чаман», Кувада «Анор», Самарқандда «Чўли ирок», Жиззаҳда «Дўстлик чамани», Навоийда «Гули» номлари билан ўндан ортик халқ ҳаваскорлик жамоалари ташкил топган.

Шу кунларда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Азим Азизов раҳбарлик қилаётган Ибн Сино номли маданият марказида ҳам турли хилдаги бадий ҳаваскорлик жамоалари мунтазам равишда ишлаб турибди. Улардан бири 1990 йилдан бери самарали ижодий фаолият кўрсатиб келаётган «Умид» халқ фольклор-рақс студиясидир. Ушбу ансамбль Ўзбекистон бадий ҳаваскорлик ижодиётига Англия, Франция, Ҳиндистон, Туркия, Германия каби кўплаб хорижий давлатларда катта муваффақиятлар билан намойиш этиб, оқчилларга сазовор бўлган. Қолаверса, ансамбль қошидаги кичик болалар рақс дастаси ҳам катта гуруҳ аъзоларидан қилинмайд.

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигиндан бир хушхабар келди. Унда Италиянинг Ферриери шаҳридаги Окей Глуб Ассоциацияси томонидан ўтказилаётган 4-Халқаро болалар рақс фестивалига «Умид» халқ студиясининг кичик раққосалар гуруҳи 16 нафар иштирокчиси билан таклиф этилган.

Ансамбль аъзолари ушбу халқаро анжуманга атаб «Биз — Ўзбекистон болаларимиз» деган мавзуда янги концерт дастури тайёрладилар: Андияжон, Фаргона, Самарқанд, Бухоро, Хоразмнинг қувноқ қўшиқ ва рақслари гулдастасидан ташкил топган ушбу концерт дастурини Наргиза Абдуллаева, Наргиза Аҳмадалиева, Дилфуза Салибосва, Зиёда Файзий, Сўғдиёна Тешабосва, Маъмуржон Исломов, Жасурхон Фозилов каби раққоса ва созандалар болаларга хос завқ-шавқ билан ижро этмоқдалар.

Улар жорий йилнинг 22 августига Италия мамлакатида ижодий сафарда бўлиб, 120 дан ортик хорижий давлатлар ўртасида мустақил она юртимиз болаларининг бугунги порлоқ истиқбол, гўзал ва нафис болалар санъатини кенг намойиш этидилар.

Бундан ташқари «Умид» халқ ансамбли жорий йилнинг сентябрь ойида Хитой Халқ Республикасининг Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро фольклор-рақс санъати фестивалида ҳам иштирок этади.

Дилорам ИКРОМОВА

1. Сиз мустақиллик йиллари ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгариш ва янгиланишларни таъкидлар эдингиз?

2. Келажакни қандай тасаввур этасиз?

1. Таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўрганиш соҳалари бўйича ислохотлар муваффақиятли амалга оширилаётган бир паллада биз мустақиллигимизнинг 12 йиллигини нишонлаяпмиз. Эртанги ҳаётимиз ва тақдиримизни ҳал қилувчи кадрларнинг савиясини кўтариш, уларни замон ва тараққиёт талабларига жавоб бера оладиган қилиб тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Узоқ йиллар давомида таълим-тарбия соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 2-босқичини амалга ошириш борасида собитқадамлик билан иш олиб борилмоқда. Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топа олиш жараёни татбиқ этилаётган бугунги кунда таълимнинг янги модели яратилди ва жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳримизнинг ҳар бир таълим-тарбия муассасасида фаоллик, ташаббускорлик, янгиликка интилиш ҳисси жўш урмоқда.

Фанларни чуқур ўзлаштиришга қаратилган махус синфларда зукко, фикрланган ўқувчиларнинг бугунги кундаги фаолиятини кўриб қалбимиз қувончга тўлади. Истеъдод соҳибларининг эришаётган муваффақиятлари қалбимизда ёшларга бўлган ишонч ҳиссимизни яна ҳам ортиради. Ҳа бугунги билим масканидаги ҳаёт ўзгача, чунки келажакка интилувчи ёшлар учун барча шароитлар муҳайё. 9-синфни тугатаётган ҳар бир ўқувчи аввалданок ўзининг олий мақсадини кўзлайди, қизиққан касбинини эгаллаш учун шошилади. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг: «Модомики, илм-зиё аҳли биздан кўра кўпроқ биладиган, узоқни кўрувчи, теран фикрловчи кишилар экан, демек уларнинг жойи тўрда бўлиши керак. Шундай миллий шариоит, шундай муҳит яратиш лозимки, токи илм-фан соҳасидаги ноёб истеъдодларни болалик чоғида танлаб

олиш, авайлаб парвариш қилишга, миллатнинг энг катта бойлиги сифатида асрашга имконият туғилиш» — деган фикрларини эслаб ўтмоқчиман.

Ҳа, ёшларнинг маънавий ва жисмоний етуклигини таъминлаш ҳозирги куннинг устувор вазифаларидан бирига айланган. Таълим дастурига қиритилган миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари дарслари ёшларни миллий қадрият, миллий анъаналаримизга содиқлик, Ватанга муҳаббат, она заминга садоқат руҳида тарбиялашда алоҳида ўрин тутмоқда.

Ҳар бир таълим-тарбия муассасасида ёшларнинг спортга бўлган қизиқшини кўриб қалбимиз қувончга тўлади. Таълим-тарбия олаётган ўқувчининг ҳар бири спортнинг

Мустақилликка эришгач, бу давлат яна ҳам теранлашиб, мазмуни бойиган ҳолда янграй бошлади.

Маънавий баркамолликка қаратилган тадбирлар, турли хил учрашувлар, билимдонлик анжуманлари, зукколик танловлари ёшларнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Мактабларимизда ташкил этилаётган билимлар марафонини ҳар бир ўқувчининг ҳар бир фандан олган билимини яққол изоҳлаб беради. Ўқувчилар ўртасида рақобатбардошлик фандан олган билими асосида ўтиб бормоқда, ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқини талабчанлик асосида изоҳланмоқда.

Бу эса ўз-ўзидан. Бугунги куннинг педагоги қандай бўлмоғи лозим?» деган са-

лажамиз, иқтидорли болалар эса миллатимизнинг келажак фаровон бўлишини таъминловчи кучдир. Мустақиллигимиздан сўнг таълим тизимида эришилган муваффақиятларга назар ташлар эканмиз, мамлакатимиз минглар ўқувчиларининг дунё миқёсида турли олимпиадаларда иштирок этиб, ўз ўрнини эгаллаётгани бизни қувонтирмоқда. Ёшларга бўлган эътибор, устозларнинг улуғлини қалбимни доимо руҳлантиради.

«Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлукамолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади ўзини аямайди», — деган эди муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов. Дарҳақиқат, ўтмиш маърифат меросимизда. Энг муҳим — инсон, уни етук қилиб тарбиялаш масаласи доимо долзарб бўлиб келган. Бугунги куннинг ёшлари эркин фикрловчи, ҳозир жавоб бўлмоғи лозим.

Чунки ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидеда мажбурий илтиҳоткорлик ўрнини интизом эгалламоғи лозим. Ўйлайманки, Мустақиллигимизнинг моҳияти Ватан тараққиётида, зулу юрт фаровонлигидан бир бутун миллат сифатида дунёга буй кўрсата олишдадир. Бугун юртимизда камолга етаётган ёш авлод бошлаган эзгу ишларимиз давомчилари, Ватан мустақиллигининг эртанги тақдирини, бугунги ишларимизнинг давомчиларидир.

Мустақиллик рушайи ўзаро ҳамкорлик тушталари йўлга қўйилди, илгор педагогик тажрибалар асосида давлат таълим стандартларига асосланган маънавий дарсларнинг ўтишини ислохотнинг амалга оширилишининг самарали натижасини кўрсатмоқда. Мен мустақил юртининг эъвозланган аёли бўлганим билан фахрланаман, энг шарафли касб эгаси бўлган барча педагогларга ўзимнинг олий ниғтиларимни тилайман. Бу шарафли касбини улуғланг, ёшларга бўлган меҳр-муҳаббатингиз ҳеч қачон сунмасин.

МУСТАҚИЛЛИК
НЕЪМАТИДАН
БАҲРАМАНДИМИЗ

«Тошкент оқшоми» анкетаси саволларига Юнусобод туманидаги 273-мактаб директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда ИСМАТОВА жавоб беради.

маълум йўналишда ўзининг қобилиятини кўрсатишга ҳаракат қилади. 2001-2002 ўқув йилида Кипрда бўлган мусобадада иштирок этган мактабимизнинг 5-синф ўқувчиси Камола Ҳасанованинг ўзбек кизи доврғини жаҳонга таратиб олтин медаль соҳиб бўлиши, шунингдек, 10-синф ўқувчиси Фарход Комилловнинг спорт мусобақаларида икки марта олтин медаль эгаси бўлиши, «Умид нихоллари» кўрик-танловида 2002-2003 йилдаги мусобақанинги голиби Шохруҳ Очиловнинг бугунги кундаги муваффақиятлари барча ёшларга намуна бўлди. Бу каби мактабимизнинг фахри бўлган юздан ортик ўқувчиларимиз спорт соҳасидаги эришган ютуқлари билан элга танилмоқдалар. Бугунги куннинг ёшлари зукко, билимга интилувчан ўз ўрнида талабчан ҳамдир. Биз улар билан фахрланамиз албатта. Халқимиз доим яхшиликка интилади, ўз фарзандлари қалбига яхшилик уругини сочиб яшайди, чунки бу юрт фарзандлари «Яхшилик қил, агар яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма» эзгу давлат ундовиде камолга етади, — дейди доно халқимиз.

волни олдимизга қўяди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида асосий эътибор кадрларга қаратилган, ҳар бир ўқитувчи ўз фанининг мухтассоси, билимдони, сардори бўлмоғи лозим. Бугунги кунда ҳар бир таълим-тарбия масканида ҳар бир кадр билан алоҳида иш олиб борилмоқда. Қайта тайёрловчи малака ошириш, мухтассосликлари бўйича алоҳида йиллик курслари ўқитишга қаратилган режаларнинг амалга оширилаётгани яхши самаралар бермоқда.

Шундай экан, ёшларимизни малакали кадрлар қилиб тарбиялашимиз, уларда ватанпарварлик, фидойиллик сифатларини шакллантиришимиз иқтидорли кунмакарини тарбиялашда барча шароитни яратиб бермоғимиз лозим.

2. Мактабимизнинг ўтмиш ҳаётига назар ташлаيمانу ёшлар онгидеги сийёсий баркамоллик, маънавий етуқликни кўриб диддан қувонаман, бу ёшлар мустақиллик йила ўз бахтини топа олган келажакимиз эгалари эканига ишонч ҳосил қиламан. Ўзбек халқи болажон, биз учун боладан азиз бирор нарса йўқ. Бола сўзи келажак сўзи билан ёнма-ён келади. Болалар ке-

• ПРЕМЬЕРАДАН СЎНГ

Эртактлар яхшиликка етаклар

Болаликнинг энг гўзал тонглири эртактлар сехри билан отади. Эртактлар ёш қалбларга меҳр-шафқат, яхшилик, эзгулик уруғларини сочиш билан биргаликда ёвузлик, қадохат, очкўзлик каби иллатларга нафрат туйғуларини уйғотади.

Яқинда «Ўзбектефильм» студиясида «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари» деб номланган беш қисмли бадий фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Болалар учун ишланган бу эртақ фильмнинг асосий ғояси яхшилик уруғини сочиб, эзгуликка интилиб яшаш ва ёвузликка қарши астойдил курашишдир.

Фильмни томоша қилар эканмиз, айниқса бош роль ҳисобланмиш Қора Девни ижро этган Мелис Абзаловнинг ушбу образни қиймага етказиб, юксак маҳорат билан ўйнаганига гувоҳ бўламиз.

Ёвуз кучларни ифода этувчи бу образ шу даражада ишонарли ижро этилганки, беҳтиёр ўзингиз ҳам шу эртақ оламига кириб кетасиз.

Зумрад ролин ижро этган Муборак Ашурбоевнинг бу роли унинг кино оламидаги илк

қадамидир. Шунга қарамай ўз ролин қойилмақом қилиб ижро этди ва ўз муҳлисларини топиб, улар меҳрини қозонди, десак ҳеч мунобола бўлмайди.

Тақдимот маросимидан сўнг санъатшунос ва ёвузчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик:

Раъно СОЛИХОВА,
кинодраматург. «Севгини излаб»,
«Бахт гуллари» бадий
фильмларининг муаллифи:

— Болалар наслимиз давомчилари кўзимиз нури. Шундай экан, уларни гўзаллик, поклик, меҳр-муҳаббат билан тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Зеро, болалар дунёни гўзаллик кўзлари билан кўрмоқлари жон.

Мен болалар учун айнан шу сценарийни ёзганидан ва у барчага бирдек манзур бўлганидан бахтиёрман.

Худойберди ТҮҲТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Эртақ ёшу қари учун бирдек севимли жанр. Кино жуда яхши ишланган ва шу орқали болаларга умуминсоний қадриятларни тўла етказа олган. Фурсатдан фойдаланиб ўзининг эртақ қаҳрамонлари ҳақидаги фикрларини баён қилмоқчиман. Биз техника асрида яшаймиз. Шундай экан нега халқимиз хин, дев, аждаҳо каби образлар бахрдан кечмаяпмиз. Тўғри, бу образлар болалар учун бирдек азиз, лекин болаларга янги-ча замонамизга мос ва хос бўлган образларни яратиш фурсати етди. Масалан, телевизор, компьютер, радио ёки соатни нега қаҳрамон қилиб эртақларга киргизмаяпмиз.

Уларнинг онги, савияси кун сайин юқорилашиб бормоқда. Менимча замонага монанд қаҳрамонларни яратиш керак.

Бу ҳақида ёзувчилар ҳам, киномухтассослар ҳам жиҳдий ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

Гулчеҳра ДҲРДИЕВА

Мағанцият**«Маърифат-мададкор» туҳфалари**

Ҳозир мамлакатимизда бир неча наشريёт фаолият кўрсатмоқда. «Маърифат-Мададкор» нашриёти ҳам ўз маҳсулотлари билан китобхонлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Республикаимизда янги ташкил топган бу наشريёт мактаб ва ўқув юртлири учун дарслик ва ўқув қўлланмаларини кўплаб чоп этишга киришди. Янги ўқув йили олдилан яратилган бир неча ўқув адабиётлари ҳам босма юзини кўрди.

Айни вақтда наشريёт ёш китобхонларга мўлжалланган бадий асарларни чоп этиш билан ҳам шуғуланмоқда. Яқинда чиқарилган «Турналар қайтиб келган кун» деб номланган ҳикоялар тўплами ҳам болаларга совға бўлди.

Балетнинг янги саҳнавий талқини

Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри репертуаридан ўрин олган «Майсаранинг иши» комик операси халқаро миқёсда оммалашди. Ана шу жозибалор ва кувнок асар атоқли композитор, Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Юдаков ижодида алоҳида ўрин тутди.

Композиторнинг «Насриддиннинг ёшлиги» балети ҳам энг яхши постановкалардан бири янглиғ музика шинавандалари эътиборини ўзига тортди. Балет 1997 йилда санъат қошонаси томонидан саҳналаштирилганди.

Театр «Насриддиннинг ёшлиги» балетини қайта постановка қилиш тарадулдини кўрмоқда. У янги саҳнавий бадий талқинида томошабинларга тақдим этилади.

Бу ижодий ишни амалга оширишда «Бритиш Американ Тобако — Ўзбекистон» корхонаси билан ҳамкорлик қўл келади.

«Чўл бўриси» ўзбек тилида

Таниқли немис ёзувчиси Херман Хессе ўзининг насрий асарлари билан китобхонларга яхши таниш. «Чўл бўриси» деб номланган романи эса унинг ижодида алоҳида ўрин тутди.

Ҳаёт фалсафасининг муҳим қирралари воқеалари тасвирланган мазкур асарни эндиликда ўзбек китобхони ҳам ўз тилида ўқиш имконига эга бўлди. Уни истеъдодли журналист ва немис тили билимдони Мирзаали Акбаров бадийлаштирилган тарзда маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилди.

Роман республикаимизда чоп этилаётган «Жаҳон адабиёти» журнаlining кейинги сонларида чоп этилди.

«Чўл бўриси» романини алоҳида китоб қилиб босиб чиқариш тарадулди кўрилмоқда. Бу эса ўзбек китобхонини немис адабиётининг энг яхши асарларидан яна бири билан ошно қилиш имконини беради.

Акбар АЛИЕВ

Журнал Ҳиндистоннинг нафақат МДХ давлатлари билан, балки Болтиқбўйи ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари билан ўзаро иқтисодий алоқаларини ҳам атрофлича ёритиб боради. Мазкур журналнинг яқинда босмадан чиққан июль-август сони ўз Мустақиллигининг 12 йиллигини нишонлаш арафасида турган Ўзбекистон Республикасига бағишланди.

Журналнинг илк саҳифаси мамлакат Ташқи ишлар бўйича давлат вазири Дигвижай Синхнинг нашр бош муҳарририга йўллаган расмий мактуби билан очилади. Унда «Ҳиндистон — МДХ» палатасининг Тошкентда савдо кўргазмасини ўтказиши Ҳиндистон — Ўзбекистон иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшишига комил ишонч изҳор этилади.

«Ўзбекистон ва ЕТБ: ҳамкорлик қўламли» сарлавҳали мақола Ўзбекистон Президентининг шу йил 4-5 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг йиллик йиғилишидаги маърузаси тафсилотларига бағишланган. Мазкур мақолада мамлакатимиз-

нинг ушбу банк билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлик алоқалари қўламли ҳақида атрофлича фикр юритилиши баробарида Ўзбекистоннинг демократия ва иқтисодиётни ривожлантириш борасида қўлга киритган ва эришяёт-

гани қайд этилар экан, Тошкентда ҳинд савдо кўргазмасининг муваффақият билан ўтказилгани, мазкур тадбирнинг амалий натижаси ўларок, бир неча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик юзасидан шериклик муносабатлари ўрнатилгани

«Ўзбек ипаги ҳиндларни мафтун этди» сарлавҳали мақола эса мамлакатимизнинг Дехлидаги элчихонасида машҳур Ashima & Leena модалар компанияси билан ҳамкорликда ўтказилган «Баҳор келинчаклари — 2003» маданий тадбири тафсилотларига бағишланган бўлиб, унда замонавий ҳинд либослари билан бирга ўзбек хонатласидан ҳинд чеварлари тиккан замонавий либослар, аёлларнинг бухороча зарбоф кийимлари ва дўппилари Ҳиндистонда зўр муваффақият билан намойиш этилгани, маҳаллий ишбилармонлар ва дизайнчилар эса ўзбек ипаги маҳсулотларини ҳинд бозорига олиб кириш юзасидан катта қизиқиш билдиригани алоҳида таъкидланди.

Юқоридагилардан ташқари, «Ўзбек ипаги уюшмаси», «Тошкент кўргазмаси ва модалар намойиши» сингари мақолалар, мамлакатимизда эълон қилинган бир неча тендерларнинг инглизча матнлари ҳамда юқоридаги мавзуларга оид кўплаб рангли суратлар журналнинг ушбу сони саҳифаларидан жой олган.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА
муҳбири Дехли.

Журналнинг махсус сони Ўзбекистонга бағишланди

Инглиз тилида чоп этиладиган «India-CIS» («Ҳиндистон-МДХ») журнали Ҳиндистон савдо ва саноат палатасининг нашри бўлиб, мамлакат зиёлилари, ишбилармон доиралар вакиллари ва умуман, кенг жамоатчилик ўртасида ўзининг кўп сонли ўқувчиларига эга.

ган залворли муваффақиятлари ҳам бирма-бир қаламга олинган.

Нашр саҳифаларидан «Бош директор ижодхонасидан» сарлавҳали бош мақола ҳам жой олган бўлиб, у палата Бош директори - мазкур журнал бош муҳаррири доктор Б.Маллик қаламига мансубдир. Мақолада МДХ мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон билан палатаниннг ўзаро алоқалари тобора чуқурлашиб бораёт-

билан боғлиқ жиҳатларга асосий эътибор қаратилади.

«Ўзбекистон: муфассал таништириув» сарлавҳали мақолада эса мамлакатимиз ҳукуматининг иқтисодий ислохотларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида забт этган доволлари, қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат, енгил саноат, автомобилсозлик, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа соҳаларда қўлга киритган кенг қўламли муваффақиятлари ҳақида ҳикояқилинади.

Посбон Маҳалланг осойишта — сен тинч

Она-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлаш йўлида ички ишлар идоралари, хавфсизлик бўйича мутасадди бўлган ташкилотлар туну кун сергаклик билан иш олиб бормоқдалар. Уларга турли жиноятларнинг олдини олишда жамоат ташкилотлари ҳам яқиндан ёрдам бормоқдалар. Айни кунларда шахримиз маҳаллаларида иш олиб бораётган «Маҳалла посбон» жамоатчилик тузилмаларининг фаолияти қандай бўлмоқда? Улар қандай мақсад-вазифаларни кўзлаб иш олиб бормоқдалар? Биз ана шундай саволлар билан Шайхонтоҳур туман «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси «Посбон» маркази раиси Жуманазар Жонибековга мурожаат қилдик.

— «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари аъзолари туман миқёсида ўтказилаётган барча ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиб, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ободонлаштириш, коммунал тўловларини ундириш каби юмушларни бажариб келмоқдалар, — дейди Жасур Жонибеков.

— Ҳозирда тумандаги 48 та маҳаллада 42 та сардор ва 433 нафар посбонлар таркиби фаолият кўрсатмоқда. Утган вақт ичида посбонлар иштирокида 201 марта тадбирлар ўтказилиб, улар натижасида 484 та ҳуқуқбузарликлар аниқланган.

Шунингдек, посбонлар иштирокида 30 та ва бевосита ўзлари томонидан эса 2 та жиноят очилган. «Маҳалла посбони» тузилмалари аъзолари маҳаллаларда ўтказилган ободонлаштириш бўйича 39 та, коммунал тўловларни ундириш бўйича 40 та тадбирда қатнашдилар. Посбон тузилмалари аъзолари туман Ички ишлар бошқармаси томонидан ўтказилган кенг қамровли «Тоълаш» тадбирида иштирок этишиб, олдиларига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминладилар. Ички ишлар идоралари ходимлари билан

яхши ҳамкорликлари, маҳалладаги ибратли ишлари ва ташаббускорликлари учун жами 31 нафар посбонлар ҳокимлик, ИИБ ва «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши Фахрий ёрликлари ва совғалари билан тақдирланди.

Бу ишларнинг ибратли бажарилишида ўрнатилган маҳаллалар посбонлари ва сардорларидан В. Султонова («Гулобод»), Ҳ. Акбаров («Жарарик»), А. Тўлаганов («Илғор»), Б. Сайдуллаев («Кохота»), О. Қосимов («Самарқанд Дарвоза»), Т. Хўжаевлар, («Янги шаҳар») ўз юмушларини худудий профилактика инспекторлари, педагог-тарбиячилар ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб бормоқдалар.

Лекин шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдимки, айрим маҳалла оқсоқоллари посбонлар ишига масъулиятсизлик билан ёндошиб келмоқдалар. Жумладан, «Чақар» маҳалласи оқсоқоли А. Исоҳўжаев, «Янгиобод» маҳалласи оқсоқоли А. Ашрапов, «Каттаҳовуз» маҳалласи оқсоқоли К. Каримов, «Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Д. Туяев шулар жумласидандир. Бу маҳаллаларда йил бошидан бери посбонлар сардорлар лавозимларига ходимлар тайинланмай келинмоқда.

«Камолот» ЁИХ туман бўлими қошидаги «Посбон» маркази юқоридаги камчиликларни бартираф этиш, маҳалла посбон тузилмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда. Жумладан, ҳар ойда икки марта маҳаллалар оқсоқоллари, ИИБ ходимлари ва маҳалла посбонлари сардорларининг йиғинлари ўтказилиб, уларнинг ўзаро ҳамкорликдаги иш натижалари, ҳисоботлари эшитилмоқда. Сардорлар ва посбонларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этилмоқда.

«Энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини» ва «Энг яхши милиция таянч пункти» танлови ўтказилди. Фолиб деб топилган «Тинчлик» маҳалласи ва шу маҳалла милиция таянч пунктига кўргазмали деворий стенд тақдирланди. Кўрилаётган чора ва тадбирлардан мақсад маҳалла посбонларининг фаолияти ва масъулиятларини ошириш, туман худудига фуқаролар хавфсизлигини, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини янада яхшилашни таъминлашга йўналтиришдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Санъат

Кейинги йилларда мамлакатимизда бадий фото-суратчилик санъати кенг ривожланиб кетди. Ана шу ижодий иш билан шуғулланувчи иқтидорли ёшлар сони ҳам анчага ортди.

Халқаро федерация аъзоси

Буни инobatта олиб Ўзбекистон Бадий академияси хузурида фото-суратчилик секцияси тузилди.

Давр талаби билан у Тошкент фотосуратлар уйи мақомини олди. Бу уй ўз фаолиятини жонлантириб, қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Ижод ва маҳорат даргоҳига айланиб қолган бу ижодхона халқаро бадий фотофедерацияси эътиборини ҳам ўзига жалб этди. Бу нуфузли ташкилот уйга катта ишонч билдириб, уни ўзига аъзо этиб қабул қилди.

Эндиликда Тошкент фотосуратлар уйига халқаро доирада фаолият кўрсатиш учун йўл очилди.

Анвар ВАЛИЕВ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
домо бўлур...

● Инсоннинг дўсти ва раҳбари — унинг фаҳми ва гидрокидир.
● Отадан фарзандга энг хайрли мерос — одоб, гўзал ахлоқдир.

● Мол-дунёнинг энг хайрлиси — ҳалол меҳнат билан йиғилиб, эзгу ишларга сарф қилинганидир.
● Сукрот ҳаким айтади:

— Ҳикматнинг боши эзгу хулқдир. Кимки хушхулқ бўлса унинг тириклиги хушлик билан ўтади. Одамларнинг кўнгилларига унинг муҳаббати ўрнашади. Ҳар ким ёвуз хулқли бўлса маишати тор бўлади, душмани кўпаяди. Ҳамма ундан нафрат қилади.

● Машҳур донишманд Бузуржмеҳрдан:

— Инсоф нима? — деб сўрадилар.

— Инсоф одамнинг ўзига нисбати раво кўрса бошқа кишига ҳам шуну раво кўришидир, — деб жавоб берди Бузуржмеҳр.
— Энг яхши одам ким?
— Ақли одам.
— Қандай кишини ақли одам деса бўлади?

— Ақли одам ўйламадан бирор ишга киришмайди.

Байт:

**Кимки хушхулқ
доимо бўлғай омон,
Яхшилик қилса, сира этмас
зиён.**

● Инсонни хайвондан ажратадиган хоссалардан биринчиси: ақл, одоб, тарбия, сўзлаш куввати ва тилдир. Инсон ақли, зеҳни билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади. Ақл — инсон роҳатининг мадориридир.

Бир донишманд: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндир, қалбинг билан эшит, кулоқ ёлгончидир», деган. Ақл — раъйнинг ҳақиқий ўлчови, фикр эса ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввал у ишни ақл каби адолат ўлчовида ўлчаб, келтирадиган фойда ёки зарарини ўйлаб, сўнгра у ишга ҳаракат қилиши лозимдир. Ўзи унча тушунмаган бир иш ҳақида шу ишни яхши тушунадиган тажрибакор маслаҳатчини олиш тавсия этилади.

Гўзал хислатлар — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришгандан далолат беради. Бир маънада ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлаш бермаслик, жонил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришлик соғлом ақл олдида ҳар инсон учун голибият ва садоқат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубанликдир.

Инсоннинг чеккан заҳмат ва машаққати унинг тили ва жаҳли сабаб бўлади. Сукут инсонга саломатлик бағишлайди. Соғлом ақлнинг аломатларидан бири ҳам замоннинг истаганига қараб иш олиб боришдир.

● Ватанпарварлик — ёлғиз ўз ватанига меҳр кўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда қалтис хис... Бу ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг яхши-ёмон кўнларига асқотиш демакдир.

● Ўзининг ватанга қанчалар яқин хис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби анироқ ва севиброқ тасаввур қилсан.

● Ҳар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси ватанини севиш ва унга ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача хизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлчана олмайди.

Байт:
**Ватанга нафи йўқ
яшалган ҳар кун,
Инсон ҳаётида қолур
бемазмун.**



Ҳиндистонда мустақиллик билан алоқодор иккита байрам бор - Республика куну ва Мустақиллик куну. 1950 йил 26 январь Ҳиндистоннинг республика деб эълон қилинган куну бўлса, 15 августга тўғри келадиган мустақиллик куну 1947 йилга, Британия Империясининг 200 йилдан ортироқ ҳукмронлигига барҳам берилган даврга бориб тақалади.

1947 йил 15 август куну мамлакатнинг биринчи Бош Вазири Жавахарлаъл Неру Ҳиндистон тимсоли саналувчи уч рангли байроқни Дехлидаги Қизил Қалъа (Red Fort) пештоқига олиб, мустақиллик қўлга киритилганини расман эълон қилди. Мустақиллик арафасида, ўша йилнинг 22 июль куну қабул қилинган миллий байроқ мана 56 йилдирки, Қизил Қалъа пештоқига ҳилпираб, мамлакат мустақиллигини ифодалаб турибди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг тарихи ва маданияти бир-бирига муштарак. Айниқса, бобомиз Захириддин Мухаммад Бобур ва унинг авлодлари даврида анча тараққий этган муносабатларимиз икки мамлакат халқларининг азалий дўстлигига замин яратди. Бобурдан олдин келган султонлар Ҳиндистонни талон-тарож қилган бўлсалар, ул зот ва унинг авлодлари Ҳиндистонни ватан билиб, уни обод этди ва марказлашган давлат қуриш учун катта хисса қўшдилар.

1966 йил Ҳиндистон Бош Вазири Лаъл Баҳодир Шастри ва Покистон давлат раҳбари фельдмаршал Аюбхон томонидан Тошкентда имзоланган тинчлик декларацияси Жанубий Осиёнинг икки қўшни давлати орасида 1965 йил бошланган урушга барҳам берган эди. Ўзбек халқининг ҳинд халқига, унинг маданиятига бўлган самимий муносабатини яна қўлаб мисоллар билан тасдиқлаш мумкин. Бугунги Тошкентнинг марказий кўчаларидан биридаги майдонга ўрнатилган Лаъл Баҳодир Шастри ҳайкали ва унинг номи билан аталадиган 24-ўрта мактаб, Тошкент шарқшунослик институтида Ҳиндшунослик фани ва ҳинд тилларининг ўқитилиши бунга ёрқин далил бўла олади.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсатида бугунгача Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида 45 та ҳукуматлараро ва идо-

ралараро ҳужжатлар имзоланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида Ҳиндистон ишбилармонлари иштирокида тузилган 65 та корхона фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 40 таси қўшма, 25 таси эса тўлалигича хорижий капитал билан иш юритади.

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда жадал ривожланаётган алоқаларимиз Ўзбекистон мустақиллигидан кейин янги даврга қадам ташлади. Ўзбекистон мустақиллиги Ҳиндистон томонидан 1991 йил 26 декабрь куну тан олинди ва 1992 йил 18 март куну Тошкентда икки давлат орасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақидаги протокол имзоланди. Орадан беш ой вақт ўтиб, 1992 йил сентябрда Ҳиндистон пойтахти Дехли шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг консуллиги очилди. Орадан икки йил ўтиб бу консуллик Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчихонаси мақомини қўлга киритди. Ўтган давр мубоайида Ўзбекистон Президенти Исмоил Каримов уч маротаба - 1991, 1994 ва 2000 йилларда расмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлди. Ҳиндистон номидан эса 1993 йил бош вазири Нарасимха Рао расмий ташриф билан Тошкентга келди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси 1992 йилдан бери фаолият олиб бормоқда.

15 август куну 1 миллиарддан ортиқ Ҳиндистон ахли мустақиллик байрамини нишонлайди. Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Жавахарлаъл Неру таъкидлаганидек: «Ҳиндистон узоқ йиллар давомида мустақилликка интилиб яшади ва 1947 йил 15 август куну барча орзуларини рўйбга чиқарди. Бу шундай янгиликки, тарих ҳали унинг мислига гувоҳ бўлмаган, бу шундай янгиликки, Ҳиндистон уни ҳеч қачон эсдан чиқармайди».

**Авазбек БЕРДИКУЛОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги**

Соғлом авлод —
Келажагимиз

Юртимизда соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ишида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февраль қарори билан тасдиқланган «Соғлом авлод» давлат дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозир республика-мизда соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама комил инсонни шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибиятидан олинган маълумотга кўра, жойларда соғлом авлодни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Хусусан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларни патронаж қилиш, икки ёшга бўлган болаларни турли касалликларга қарши эмлаш ишлари самарали натижа бермоқда.

Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимларидаги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича доимий ишловчи курсларда қарийб 63 минг нафар оила қурувчи ёш ўқитилди, 53 минг нафарга яқин ёш никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтказилди.

Хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, оила ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақомини янада ошириш билан боғлиқ қўлаб тадбирлар ичизил давом эттириляпти.

Таъкидлаш жоизки, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги бундай хайрли ишларнинг манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бориляётгани, айниқса, яхши самара бермоқда.

**Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.**

Кўрғазмалар

Анъана давом
Этмоқда

Темурийлар тарихи Давлат Музейи ўз фаолиятини бошлагандан буён то ҳозирги давргача мустақилликнинг ҳар бир йилни катта тантана билан нишонлайди ва бу ҳол анъанга айланиб улгурган. Бу йил ҳам Мустақилликнинг 12 йиллиги муносабати билан музей жамоаси янги «Кўли гул халқим» деб номланган кўрғазма ташкил этишни режалаштирган. Кўрғазмада маҳаллаларда миллий ҳунармандчиликнинг сир-асорларини келажақ авлодга етказиб беришда ўз савий-ҳаракатларини аямай меҳнат қилаётган, чинакам кўли гул, меҳнаткаш, ҳунарманд тадбиркорларнинг ишларидан намуналар кўйилади. Ҳар бир яратилган асар мазмунини акс эттирган ҳолда ҳозирги дорилондон замон руҳи билан уйғунлашиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Яратилган бу ноёб санъат асарларининг ҳар бири кўрғазмага ташриф буюрган томошбинларни ўзига ром айлаши аниқ. Улуг айём муносабати билан тайёрланган мазкур кўрғазма 27 августда намойиш этилади.

**Жасур ЖУМАЕВ,
Темурийлар тарихи Давлат Музейи
илмий ходими.**

Таълим Сентябрга армуғонлар

Янги ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ҳам қатор янгиликлар юз беради. Пойтахтимизда янги очилаётган Тошкент банк коллежи ҳам Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн икки йиллигига яхши совға бўлади.

Бу ўқув даргоҳи 900 нафар бўлгуси банк ходимини ўз бағрига олади. Унда таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун барча қулайликлар муҳайё қилинган.

Янги коллежни бунёд этиш учун давлат бюджетидан икки миллиард сўм пул ажратилди.

Янги ўқув йилига армуғон сифатида яна учта академик лицей қуриб битказилди. Уларда тўрт минг 84 нафар ўғил-қиз турли йўналишларда ўқиб, пухта билим ва малака эгалари бўлиб етиштилар.

Ушбу ўқув даргоҳларини қуриш учун 3,6 миллиард сўм сарфланди.

Ақром АНВАРОВ

Таниқли кинорежиссёр Шухрат Аббосов ўзининг «Оловли йўлар», «Сет етим эмассан», «Маҳаллада дуд-дуд гап» каби бадий фильмлари билан томошбинларга яхши таниш. Бу изланувчан санъаткор ҳужжатли фильмлар яратишга ҳам бел боғлади.

Адиб таваллудига
ижодий совға

Унинг «Фафур Ғулум» деб номланган ҳужжатли фильми атоқли шоир таваллудининг юз йиллигига муносив иждодий совға бўлди. Айни вақтда санъаткор яна иккита ҳужжатли фильми экранларга чиқариш устида ишламоқда.

«Улим сўқмоғи» ва «Эҳтиётликка даъват» деб номланган экран асарлари ҳам режиссёрнинг бу йилги иждодий маҳсулоти бўлади.

Бу ҳужжатли фильмларда долзарб муаммолар ўз аксини топди.

Аҳмад ВАҲОБОВ

Спорт

**Игорь —
Ўзбекистон
чемпиони**

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ракета-моделл спорт буйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Мудрофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган ушбу мусобақада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган спортчилар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Йигитлардан чаққонлик, эгичлик, зукотлигу тезкорликни талаб этувчи ушбу мусобақанинг С-1 модели бўйича йўналишида омад пойтахт вакили Игорь Иброҳимовга кулиб бокди ва у биринчи ўринни эгаллади. Турнир ақунида ғолиб ва қатнашчиларга совринлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Янги сайт очилди

Келажагимиз ворислари — ёшларимизнинг маънан етук, жисмонан бакуват бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида ёшлар ўртасида уч тизимли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари ўтказилаётганлиги қувонарли ҳол. Бундан ташқари Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ҳар йили болалар ва ўсмирлар ўртасида уюштирилаётган «Футболмиз келажаги» турнири юртимизда миллионлар ўйини истиқболдан дарақ бериб турибди. Дарвоқе, Президент Ислам Каримов Фармони билан ўз фаолиятини бошлаган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлими тарафидан амалга оширилаётган ислохотлар ота-оналар педагогларни қувонтираётти. Истиклол шарофати билан жуда кўпгина ўқув муассасалари спорт иншоотлари таъмирланмоқда, янгилари бунёд этилмоқда, турли хил спорт тўрақлари болажонлар хизматида. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида мамлакатимиз спортчилари 154 та мусобақада ўз омадларини синбаб кўришган бўлса, 80 мартаба халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга муваффақ бўлишди. Шу боис мамлакатимиз спортини янада оммалаштириш мақсадида Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси интернет тармоғига янги сайтни ҳавола этди. Унда Ўзбекистон спорт тарихи, турли хил мусобақалар ҳамда спортчиларимизнинг қўлга киритган ютуқлари ўз ифодасини топган. Шунга қарамай ҳали спорт соҳасини такомиллаштириш йўлида қилиниши лозим бўлган вазифалар талайгина. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида спорт мутасаддилари, федерациялар раҳбарлари, мутахассислар мураббийлар иштирокида ўтган олти ойлик иш якунлари муҳокамасига бағишланган йиғилишда юқоридаги масалалар ҳақида сўз борди, келгуси режалар ҳам белгилаб олинди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан 2001 йил 13 ноябрда Юнусова Диларам Zufаровнага берилган экспорт-импорт операцияларини амалга оширган ҳолда чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи, реестрдаги тартиб рақами 0519383 бўлган яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Йирик ҳисобдаги ғалаба

КЕЧА

ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 17-тур беллашувлари пойтахтимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» футболчиларига яна омад келтирди. Олий лига дебютанти «Цементчи»ни ўз майдонида қабул қилган тошкентлик чарм тўп усталари тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишиб, рақиблири дарвозасига олти мартаба тўп йўллашди ва ўз дарвозалари тўридан бор-йўғи биттагина гол ўтказиб юборишди. Мухлисларга олам-олам қувонч бахш этган

голларни меҳмонлар дарвозасига Қосимов (2 та), Солиев (2 та), Тожиев ва Жерамовлар йўллашди.

Колган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф»—«Андижон» 4:2, «Бухоро»—«Кўкун-1912» 4:2, «Нефтчи»—«Трактор» 5:3, «Навбахор»—«Самарқанд-Динамо» 4:0, «Қизилқум»—«Машъал» 1:1, «Металлург»—«Гулистон» 0:0, «Дўстлик»—«Сурхон» 6:0.

Навбатдаги 18-тур баҳслари 17 август куни ўтказилади.

Анвар ЙҮЛЧИЕВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ХҲРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Тошкент шаҳрининг барча туманларида 2003 йил 1 августдан 1 октябргача янги ўқув йили бошланиши муносабати билан «Мактаб бозорлари» ташкил этилади.

Ўқувчиларга ўқув-ёзув қўлланмалари, болалар кийим-кечаклари, пойабзаллар ва бошқа саноат молларини харид қилиш учун Сизни туманлардаги қуйидаги марказий «Мактаб бозорларига» таклиф этамиз:

А.Икромов тумани — «Фарҳод бозори» янги қурилган биносининг қириш қисмидаги автомобилларнинг тўхташ жойи олдида;

Бектемир тумани — «Сувчи» даҳаси, Х.Бойқор кўчаси, «Сид» МЧЖ дўкони олдида;

Миробод тумани — Ўзбекистон кўчаси, 45, «Тошкент универмаги» худудидаги майдонда;

Мирзо Улугбек тумани — «Буюк Ипак йўли» метро бекати, БИЙ кўчаси, 103 олдида.

Собир Раҳимов тумани — метронинг Беруний бекати, Ўзбекистон Миллий университети томонидаги майдонда;

Сергели тумани — Сергели-8, «Сергели» супермаркети олдида;

Чилонзор тумани — Чилонзор кўчаси, 55, «Чилонзор» савдо маркази» ичида ва олдида;

Ҳамза тумани — Авиасозлар бозори олдидаги майдонда;

Шайхонтоҳур тумани — Алишер Навоий кўчаси, 30-уй олдида (ўрнатилган савдо расталарида);

Юнусобод тумани — Юнусобод даҳаси, 19-мавзе, «Юнусобод саҳоват» дўкони олдида;

Яқкасарой тумани — Усмон Носир кўчаси, «Саодат СМ» дўкони олдида.

Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги «Чорсу буюм бозори», «Чилонзор буюм бозори», «Паркент бозори», «Аҳмад Дониш бозори» ва бошқа бозорлар худудларида ҳам тадбиркорлар томонидан юқорида кўрсатилган моллар билан кенг миқдорда савдо ташкил этилади.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти.

Футболмиз келажаги

«Шарқ» турнир ғолиби

Айни пайтда маҳалла ўсмирлари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболмиз келажаги» мусобақалари шахримизнинг спорт ўйингоҳларида қизгин давом этмоқда.

Яқинда «МХСК» стадионида 11-12 болалардан тузилган жамоалар ўртасида қизқарли баҳслар бўлиб ўтди.

Ушбу шаҳар финал босқичи ўйинларида иштирок этган Чилонзор туманининг «Шарқ» маҳалласи ва Шайхонтоҳур туманининг «Белтепа» маҳалласи ўсмирлари ҳар жиҳатдан ўзларининг маҳоратларини намойиш этишди.

—Финалга жамоамиз вакиллари жуда катта тайёргарлик кўришди. Ҳар бир ёш ўз устида тинимсиз ишлади. Асосийси жамоа бир тану бир жон бўлиб, яхши ўйин кўрсатди, — дейди мусобақала ғолибликни қўлга киритган «Шарқ» жамоаси мураббийси Абдусабир Қаймонов.

3:0 ҳисобида «Белтепа» маҳалласи жамоасидан ўз устунликларини намойиш этган «Шарқ» командаси ўз ёш тоифаси бўйича Республика финал босқичига йўллангани қўлга киритди ва уларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

ОРЗУГУЛ РУСТАМОВА
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳа; турнир финалчаси «Белтепа» маҳалласи жамоаси.

Эркин УМАРОВ олган суратлар.

Уйкудаги кишининг соғлигини назорат қилувчи қаравотлар, оиланинг барча аъзолари таъбини «биладиган меъёрлагичлар, саратон (рак) касалига даво бўлувчи қовурилган қартоқшо...» Буларнинг бариси 2025 йилга бориб ҳаётий ҳақиқатга айланади, — деди «Котат энд Джаррат» тадқиқот фирмасининг президенти Жозеф Коатс.

Илмий башорат

Ушбу фирма келажақни илмий башорат қилиш билан шуғулланади. Шубҳасиз, 2025 йилда яшаш жуда қизқарли бўлади», — дея таъкиллади Жозеф. Мана, унинг фирмаси эълон қилган башоратлардан баъзилари: «ақлли» қаравот сиз уйкуда пайтингизда бутун авзои-баданнингизни, «тиббий кўрик»дан ўтказали. Жумладан, қон босими, юрак уриши, ҳарорат ва ҳоказо кўрсаткичларни ўлчаб эрталаб уларни монитор экранида намоён қилади. Маболо, сезгир асбоблар сизга қандайлар меъёрдан ортқи кўрсаткични «иллаб» қолишса, «ақлли» қаравот дарров сизни уйғотиб, нима қилишингиз кераклиги ҳақида маслаҳатларни экранга ёзиб чиқаради. Бу пайтга келиб, кийим-кечаклар ташқи муҳит ҳароратига «сезгир» бўлган материаллардан тикила бошлайди, яъни улар сизни соғуқ ҳавода иситса, иссиқ пайтларда аксинча, салқин тутди. Ваннаҳонадаги сув пурақигичлар сизнинг бўйингизга қараб автоматик равишда ростланади, сув эса дарров сиз хоҳлаган илиқликда оқа бошлайди.

Йўлбарс, шер, қоплон сингари йиртқиқ ҳайвонлар вақтга келиб ирсий муҳандислик ютуқлари туфайли беозор уй жониворларига айландилар. Олимлар бу ҳайвонларнинг фель-атворини энг кичик ирсий заррача даражасига ўрганишга муваффақ бўладилар. Дўконларда эса, сунъий йўл билан ҳосил қилинган оқсил, яъни сизга мунтазир бўлади ва ҳоказо... Башорат сизга маъқулми? Хуллас, шоир айтганиддек: «Бир куни бир алвон замон бўлади!».



**Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассас:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Буюртма Г-707.

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар: *
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибкоб, офсет
усулида босилади.
4204 нускада босилади. Қўлғи Биринчи А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.**
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрият этибериш масалалари бўйича турар жойларининг почта
булимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига
муроссаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрият-матбоа акциядорлик компанияси
босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.